



**MODELS AND METHODS FOR  
INCREASING THE EFFICIENCY OF  
INNOVATIVE RESEARCH**

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC-ONLINE**

**CONFERENCE**



**ISOC**

INTERNATIONAL  
SCIENTIFIC  
ONLINE  
CONFERENCES

[WWW.INTERONCONF.COM](http://WWW.INTERONCONF.COM)

**GERMANY**

**2024**

**ISBN 978-955-3605-86-4**

© Sp. z o. o. "CAN", 2024  
© Authors, 2024

**MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH:** a collection scientific works of the International scientific conference (11 May 2024) - Berlin:2024. Part 34 – 410 p.

Editorial board:

**Alexander Dietrich**  
ICRA 2021 Editors  
German Aerospace Center (DLR)  
Oberpfaffenhofen, Germany

**Davide Scaramuzza**  
ICRA 2021 Editors  
University of Zurich  
Zurich, Switzerland

**Tomohiro Kawahara**  
ICRA 2021 Editors  
Kyushu Institute of Technology, Frontier  
Research Academy for Young Researchers  
Fukuoka, Japan

**Barbara Caputo**  
ICRA 2020 Editors  
Sapienza Rome University  
Rome, Italy

**Jana Kosecka**  
ICRA 2021 Editors  
George Mason University,  
Fairfax (VA), USA

**Wolfram Burgard**  
ICRA 2018 Editors  
Toyota Research Institute and University of  
Freiburg  
Freiburg, Germany

Languages of publication: Deutsche, English, Русский, Limba română, uzbek.

The compilation consists of scientific researches of scientists, post-graduate students and students who participated International Scientific Conference " MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH ". Which took place in BERLIN on 11- May, 2024.

Tagungsbände werden für Wissenschaftler und Lehrende an Hochschulen empfohlen. Sie können in der Ausbildung eingesetzt werden, einschließlich der Lehre im Aufbaustudium, der Vorbereitung auf den Erwerb von Bachelor-und Master-Abschlüssen. Die Begutachtung aller Artikel wurde von Experten durchgeführt, die Materialien unterliegen dem Copyright der Autoren. Für Inhalt, Prüfungsergebnisse und Fehler sind die Autoren verantwortlich.

<i>GARVARD UNIVERSITETI RAVNAQI. PITIRIM SOROKIN IJODI.</i>	
<b>Ниёзова Ирода Қаҳҳоров Дилшод</b> <i>“ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ТАНҚИДИЙ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ СТРАТЕГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАЗМУНИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ</i>	<b>425</b>
<b>Abdullayeva H.N. Qayimov O.</b> <i>XORIJY INVESTITSIYALARNING MAMLAKAT YALPI ICHKI MAHSULOTIGA TA’SIRI</i>	<b>431</b>
<b>Tilavov Sherali</b> <b>O’rinov Abbos</b> <i>TIJORAT BANKLARI MOLIYAVIY RESURSLARIDAN SAMARALI FOYDALANISH YO’LLARI</i>	<b>441</b>
<b>Do’stova Aziza Soliyev Alisher Abdukarim o’g’li</b> <i>YASHIL IQTISODIYOT -BARQAROR RIVOJLANISH ASOSI</i>	<b>448</b>
<b>Giyazov B.B. Eshbutayev Bekzod</b> <i>BOJXONANI RAQAMLI TRANSFORMATSIYA QILISHNING O’ZIGA XOS JIHATLARI</i>	<b>455</b>
<b>Qodirova Nozima Ibrohimov Said</b> <i>MAMLAKAT IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISHDA MARKETING TADQIQOTLARINING AHAMIYATI</i>	<b>462</b>
<b>Giyazova N.B Karimova Munisa Komil qizi</b> <i>INCREAZING THE EFFICIENCY OF WASTE RECYCLING IN THE ECONOMY OF OUR COUNTRY</i>	<b>467</b>
<b>Ravshanova G.R. Narzullayev Jasur</b> <i>AHOLI TURMUSH DARAJASI VA UNING SIFATINI BELGILOVCHI MIQDORLAR</i>	<b>474</b>
<b>Burxonov Sardor Nutfullayeva Umida</b> <i>MAMLAKATIMIZDA KLASSTERLARDAN FOYDALANISH ORQALI QISHLOQ XO’JALIGINI RIVOJLANTIRISH</i>	<b>480</b>
<b>Шарапова Нигина Кадыровна</b> <b>Ярашова Чарос</b> <i>ОХРАНА ЗЕМЕЛЬНЫХ РЕСУРСОВ И ИХ ЭФФЕКТИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ – ОСНОВА ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СТАБИЛЬНОСТИ</i>	<b>489</b>
<b>Tolibova Aziza To’lqin qizi</b> <b>Giyazova Nozima Bayazovna</b> <i>GEOMARKETINGNING RESTORAN BIZNESIGA TADBIQ ETILISHINING BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATI</i>	<b>496</b>
<b>Giyazova N.B.</b>	<b>503</b>



## “ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ТАНҚИДИЙ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ СТРАТЕГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАЗМУНИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ

**Ниёзова Ирода**

*Бухоро давлат университети  
“Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси*

**Қаҳҳоров Дилшод**

*Иқтисодиёт йўналиши  
4-босқич талабаси*

Иқтисодий фанларни ўрганишда талабаларнинг танқидий фикрларини ривожлантиришга таъсир кўрсатиши, уларни жамият ривожланиши иқтисодий қонун, тенденцияларини чуқур тушуниши, назарий масалалар билан амалиётни боғлаш маҳоратини ҳосил қилишлари учун маъруза асосий талабларга жавоб бериш керак: маълум бир йўналишга, иқтисодиётни асосий қонунлари, тенденциялари, принциплари, ижтимоий, иқтисодий тараққиётнинг муаммоларини таҳлил қилишга қаратилган бўлиши керак. Шунингдек, ёш авлоднинг дунёқарашини шакллантириш, ҳаёт кечириш тарзини танлашнинг тарбиявий аҳамиятини ошириши лозим. Илмийлиги жиҳатдан назария асосларини амалиёт билан, масаланинг қўйилишини илмийлик билан ҳамда иқтисодиётнинг янги долзарб масалаларига ижодий ёндашиш билан, назарий далилларнинг мантиқийлик билан узвий бирлиги таъминланиши керак.

Олий таълим муассасасида иқтисодий фанлардан маъруза ўқиш ўқитувчи олдида қуйидаги вазифаларни қўяди:

- талабаларга иқтисодиёт фанларининг назарий бойлигини очиб бериш;
- дунёдаги машҳур иқтисодчилар, Ўзбекистон республикаси Президенти ва таниқли иқтисодчи олимларнинг ишларини чуқурроқ ўрганишга ёрдам бериш;
- бир фандан олган билимларини бошқа фанларни ўрганишда ижодий қўллашларига ёрдам бериш;
- талабаларга бозор иқтисодиёти шароитида мураккаб ижтимоий иқтисодий муаммоларни ечиш учун тўғри йўл топиш борасида ўзига ишонч руҳини тарбиялаш.

Маъруза талабаларда фанни ўрганишга қизиқиш, иштиёқ уйғотиши керак. Маърузани шундай тузиш керакки, талабада фанни чуқур ўрганиш учун мустақил равишда адабиётлар топиш, уларни устида ишлаш, тушунишга



хоҳиш истак туғилсин. Шунинг учун зарур материаллар, китоблар, журнал ва бошқа манбаларни танлаш принципиал аҳамиятга эга. Маърузанинг ижтимоий иқтисодий йўналиши унинг илмийлиги билан боғлиқ. Маърузачи реал ҳаётнинг объектив таҳлилига, иқтисодий тараққиётнинг асосий қонуниятларига, иқтисодий ҳодисалар ва хўжалик ҳаётининг омиллари ўртасидаги ички боғланишларни аниқлашга, таҳлил қилишга асосланиши керак. Тажриба шуни кўрсатадики, талабага ишончли далиллар, чуқур таҳлил кўпроқ таъсир қилади. Ҳар қандай фан, жумладан, иқтисодий фанлар ҳам ишончли далиллар, маълумотлар, назарий ва амалий хулосаларга таянади. Психологларнинг кузатишларича билиш, ўрганиш жараёни фикрлар қарама қаршилиги асосига қурилса, самарали бўлади. Илмий мунозара талабалар учун ижодий муҳит яратади. Иқтисодчи педагоглар учун мўлжалланган маърузада мунозарали саволларни қўйиш, турли нуқтаи назарларни баён қилиш мақсадга мувофиқ. Маърузачининг ўзи маълум бир нуқтаи назарни қўллаб-қувватлар экан, талабаларга ҳам ана шу қараш тўғрилигини тушунтириши, аудиторияни ишонтириши керак.

Маъруза (арабча, лекция (лот. *lectio*) ўқиш) ўқув материали, бирор масала, мавзу кабиларнинг изчил, маълум бир тизимга солинган баёнидир. Маъруза ўқув жараёнининг асосий бўғини, дарс ўтишнинг асосий шакллари билан биридир. Маъруза ўқувчи талабалар билан мулоқотда бўлишнинг алоҳида шакли ва уни бошқа ҳеч қандай ўқув шакли билан алмаштириб бўлмайди. Маърузанинг олдида қўйиладиган мақсад ҳар хил бўлиб, бу мақсад максимал даражада амалга ошиши учун, унинг функцияларига аҳамият бериш керак. Маъруза ўқитишнинг қуйидаги қатор функцияларини бажаради<sup>38</sup>.

1. Профессинал таълим бериш ва дунёқарашни шакллантириш.

2. Талабалар диққатини асосий мақсадга йўналтириш. Маърузада талабаларнинг диққат эътибори ўқув материалининг асосий мазмуни, қонун қоидалари, уларнинг назарий ва келгусидаги амалиётда, мутахассислик фаолиятида қандай ўрин тутиши ва аҳамиятига, уни ўзлаштириш методларига қаратилади.

3. Талабаларга тарбиявий таъсир кўрсатиш. Уларни ахлоқий, маънавий жиҳатдан баркамол бўлиши, меҳнатга муносабати, ижтимоий психологик хислатларини шакллантириш.

4. Билим бериш, ўрганаётган фан бўйича ахборот олиш, олган ахбороти асосида хулоса чиқаришга ўргатиш.

<sup>38</sup> Тожибоева Д. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. Т.: «Фан ва технология», 2020



5. Методологик маъруза жараёнида тадқиқот методлари таққосланади, қиёсланади, илмий изланиш тамойиллари аниқланади.

6. Идрок, тафаккурни ривожлантирувчи – тингловчиларда билмаганини билишга қизиқиш уйғотади. Танқидий фикрлаш ва ўз фикрини асослашга ўргатади. Танқидий фикрлаш: а) даъват б) англаш, тушуниш в) фикрлаш, тафаккур босқичларига ажратилади.

**1. Даъват босқичи.** Унда ўқитувчи маърузани бошлар экан, талабалар диққатини маърузани эшитишга жалб қилади. Турли методларни қўллаб, уларни маърузада фаол қатнашишга чорлайди. Дастлаб талабалар мазкур мавзу бўйича нималарни билишлари аниқланади. Ана шу билимга дарс жараёнида янги билимлар қўшилиши керак. Шунинг учун талабаларга тезда бажариладиган турли топшириқлар берилади. Савол қўйиб, ақлий ҳужум методини қўллаш орқали талабалар учун маълум:

- ўрганган билимларини аниқлашни;
- қўйилган саволни жуфтликда муҳокама қилиш ўз фикрларини айтиш;
- аввалги маърузада ўрганилган тушунчалар мазмунини гапириб беришни таклиф қилиш
- орқали амалга ошириш мумкин.

### **2. Навбатдаги босқич мазмунни тушуниш, англашдан иборат.**

Бу босқичнинг асосий вазифаси талабаларнинг янги материални тушунишларини таъминлашдир. Бунда ўқитувчи талабаларга турли саволлар билан мурожат этади, масалан:

1. Сизнинг учун ҳозир эшитганларингизнинг қай бири янгилик бўлди?
2. Эшитганларингиз бўйича сизнинг фикрингиз қандай?
3. Сизда энг катта таассурот қолдирган нима? – кабилар.

### **3. Тафаккур босқичида олинган билимлар мустаҳкамланади.**

Ўрганилаётган масала бўйича талабаларнинг ўз тушунчалари шаклланади. Маъруза эшитгач, уларнинг билимлари кенгайиб, мустақил фикрлайдилар, ўз фикрларини эшитганлари билан таққослайдилар. Бу босқичда талабаларга фикрларини таҳлил қилишга қаратилган топшириқлар берилади. Улар турлича бўлиши мумкин.

Дарс ўтишда педагогик вазифа янги мавзунини муаммо сифатида ўртага қўйиб, турли нуқтаи назарларни ҳисобга олган ҳолда, уни ечиш йўлларини топиш орқали удаланади. Ҳозирги куннинг талабларидан келиб чиқиб, дарсда талабалар фаоллигини оширишга қаратилган жадаллаштирилган (чуқурлаштирилган) маъруза методини қўллаш борган сари оммалашмоқда.



## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Abdulloyev, A. (2023). Methodological foundations for evaluating the efficiency of agrocluster management. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz), 42(42).

2. Abdulloyev, A. (2023). АГРОКЛАСТЕР ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИНГ “БАЗАВИЙ” МОДЕЛИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz), 42(42).

3. Junaydulloyevich, A. A., & Rasulovna, K. N. (2021). Price Formation in Marketing: A Tool for Price Formation and Change. *Academicia Globe*, 2(6), 142-146.

4. Таирова, М. М., & Дустова, А. К. (2020). Роль гостиничных сетей в индустрии туризма. In Прорывные научные исследования: проблемы, закономерности, перспективы (pp. 57-59).

5. Gafurova, S. K. (2023). Quality Management In Education: A Systematic Approach. *Educational Research In Universal Sciences*, 2(17 SPECIAL), 126-129.

6. Niyozova, I. (2021). The Transition to the Green Economy and the Importance of Strategy. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz), 8(8).

7. Niyozovna, N. I. (2023). Ways to Increase the Competitiveness of Enterprises through Digital Marketing Strategies. *European journal of business startups and open society*, 3(12), 154-157.

8. Таирова, М. М., & Гиязова, Н. Б. (2016). Поддержка предпринимательской деятельности в Узбекистане. *International scientific review*, (2 (12)), 105-107.


9. Таирова, М. М., & Кодирова, Н. Р. К. (2020). Инновация-концептуальная основа модернизации. *Наука и образование сегодня*, (2 (49)), 35-36.

10. Qayimova, Z. (2023). Ways to Develop Economic Infrastructure in Uzbekistan. Центр Научных Публикаций (Buxdu. Uz), 27(27).

11. Kadirovna, S. N. (2024). Importance of Foreign Experience for Uzbekistan in the Transition to a Green Economy. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, 4(4), 48-51.

12. Giyazova, N. (2023). The share of world countries in the textile industry and the importance of marketing in its development. Центр Научных Публикаций (Buxdu. Uz), 27(27).





13. Niyozova, I. (2023). The Reforms Implemented In The Higher Education System Of The Republic Of Uzbekistan And Their Achievement Of Financial Independence. Центр Научных Публикаций (Buxdu. Uz), 38(38).

14. Таирова, М. М., & Гиязова, Н. Б. (2016). Поддержка предпринимательской деятельности в Узбекистане. International scientific review, (2 (12)), 105-107.

15. Таирова, М. М., & Кодирова, Н. Р. К. (2020). Инновация-концептуальная основа модернизации. Наука и образование сегодня, (2 (49)), 35-36.

16. Таирова, М. М., Абдуллаев, А. Ж., & Гиязова, Н. Б. (2016). Особенности маркетинга в агропромышленном комплексе. In Современное экологическое состояние природной среды и научно-практические аспекты рационального природопользования (pp. 3871-3873).

17. Niyozova, I. (2021). Mechanism of Implementation of Mandatory Health Insurance in Uzbekistan under Conditions of Increasing Integration Processes. Центр Научных Публикаций (Buxdu. Uz), 7(7).

18. Odinayeva, N. F., Bakayeva, M. A., & Giyazov, B. B. (2022). Intellectuals with Higher Education in the Economy and Ways to Increase their Competitiveness. Miasto Przyszłości, 84-86.

20. Navruz-Zoda, L. B., & Navruz-Zoda, Z. B. (2020). Improvement Of Social Prestige Of Entrepreneurial Companies In Bukhara Region. Academy, (3), 37-39.

21. Usmanova, A. B. (2022). Sport Tourism As A Sport And Form Of Activity. European Journal Of Innovation In Nonformal Education, 2(1), 212-214.

22. Усманова, А. (2022). The Current State And Analysis Of The Tourist Potential Of The Bukhara Region. Центр Научных Публикаций (Buxdu. Uz), 15(15).


23. Rakhmatullaeva, F. M., & Aminova, N. B. (2022). Methodological Approaches To The Development Of Ecological Tourism Logistics. European Journal Of Innovation In Nonformal Education, 2(1), 207-211. 22. Dustova, A. (2022). Stimulating The Economic Growth Of Territories Through The Development Of Regional Tourism. Центр Научных Публикаций (Buxdu. Uz), 12(12).

24. Xasanova, S. (2023). Analysis of the Work Carried Out in Uzbekistan and the World to Prevent Tax Violations. EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION, 3(12), 47-50.

25. Хаирова, Д. Р., & Сайфуллаева, М. И. (2021). Тенденции развития цементной индустрии в Узбекистане. Бюллетень науки и практики, 7(6), 358-362.







26. Сайфуллаева, М. (2023). РАЗВИТИЕ СТРОИТЕЛЬНОЙ ОТРАСЛИ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ КАК ФАКТОР СТАБИЛЬНОГО РОСТА. Nashrlar, 368-371.

27. Qayimova, Z. (2023). Theoretical Aspects of the Development of the Socio-Economic Infrastructure of the Country. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz), 27(27).



## XORIJIY INVESTITSIYALARNING MAMLAKAT YALPI ICHKI MAHSULOTIGA TA'SIRI

*BDU Iqtisodiyot va Turizm fakulteti*  
*o'qituvchisi **Abdullayeva H.N.***  
*BDU Iqtisodiyot va Turizm fakulteti*  
*Talabasi **Qayimov O.***

**Annotatsiya:** *Tahlil chet el investitsiyalarining turli shakllarini, jumladan, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar (FDI), portfel investitsiyalari va boshqa kapital oqimlarini qamrab oladi. Maqolada xorijiy investitsiyalar mezbon mamlakat iqtisodiyotiga kapital, texnologiya va tajriba kiritish orqali iqtisodiy rivojlanish katalizatori sifatida qanday ishlashi mumkinligi o'rganiladi.*

**Kalit so'zlar:** *portfel investitsiyalari, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar, kapital oqimlari, YaIM, investitsion jozibadorlik, obligatsiyalar, potentsial risklar.*

O'zaro bog'liqlik kuchayib borayotgan jahon iqtisodiyotida milliy chegaralar orqali kapital oqimi iqtisodiy o'sish va rivojlanishning belgilovchi xususiyatiga aylandi. Xorijiy sarmoyalarni mamlakatning iqtisodiy landshaftiga kiritish transformativ o'zgarishlarni, sanoatni qayta shakllantirishni, innovatsiyalarni rag'batlantirishni va samaradorlikni oshirishni ta'minlaydi. Davlatlar global maydonda obro'-e'tibor qozonish uchun kurashayotgan bir paytda, xorijiy investitsiyalar va yalpi ichki mahsulot (YaIM) o'rtasidagi murakkab dinamikani tushunish asosiy tashabbus sifatida paydo bo'ladi.

O'zbekiston Respublikasida investitsiya xususida qonuniy hujjatlar 1991-yildan boshlab gabul qilingan bo'lib, ular o'tgan vaqt ichida ancha takomillashtirildi. O'zbekiston Respublikasining "Investitsiya to'g'risida"gi qonunida ko'rsatilishicha, "investitsiya bu - iqtisodiy samara (foyda, daromad) olish yoki ijobiy ijtimoiy natijaga erishish uchun sarflanadigan pul mablag'lari, banklarga qo'yilgan omonatlar, paylar, qimmatli qog'ozlar (aktsiya, obligatsiyalar), texnologiyalar, mashinalar litsenziyalar va samara beradigan boshqa har qanday boyliklardir". Bu iqtisodiy ta'rif investitsiyaning bozor iqtisodivoti sharoitiga mos kelishini to'laligicha tasdiqlaydi. Jumladan, unda, birinchidan, investitsiyaning o'ziga va investitsiya faoliyatining ob'ektlariga keng ta'rif berilgan. Ikkinchidan, investitsiyaning bevosita iqtisodiy va ijtimoiy samara olishga mugarrar bog'liqligi ta'kidlab o'tilgan.

O'zbekiston Respublikasining "Investitsiya to'g'risida"gi qonunida ko'rsatilishicha, "investitsiya bu - iqtisodiy samara (foyda, daromad) olish yoki ijobiy

